

Маҳалла ёшлари ўртасида мини-футбол бўйича спорт мусобақалари бошланди

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий Ватанпарварлик ойлиги доирасида Ўзбекистон туманидаги маҳаллалар ёшлар ўртасида "Ёшлар ишлари агентлиги раҳбари кубоги" мусобақалари старт олди.



Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ўзаро маданий-спорт, дўстлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган ушбу спорт тадбирида тумандаги 16 та маҳаллалар жамоалари 10 январдан ўзаро баҳсларга киришишиди.



Финал ўйинлари 14 январь куни ўтказилиши белгиланган спорт тадбири “Зиё Нурсух” маҳалласида жойлашган сунъий қопламали мини-футбол майдонларида бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-01-11 14:28:46